

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**ИСЛАМОВ ҒУЛОМ ПАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲУДУДЛАРИДА ҚОРАМОЛ**  
**ПИРОПЛАЗМИДОЗЛАРИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИК ҲОЛАТИ**  
**ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ**  
**ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**03.00.06 - Зоология**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary  
sciences**

**Исламов Гулом Пайзуллаевич**

Самарканд вилояти ҳудудларида қорамол пироплазмидозларининг  
эпизоотологик ҳолати ва унга қарши курашнинг замонавий чора-  
тадбирларини ишлаб чиқиш ..... 3

**Исламов Гулом Пайзуллаевич**

Эпизоотология пироплазмидозов крупного рогатого скота и разработка  
современных мер борьбы в регионе Самаркандской области ..... 23

**Islamov Gulom Payzullaevich**

Epizootiological situation of cattle piroplasmidosis in Samarkand region and  
development of modern measures to combat ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 44

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**ИСЛАМОВ ҒУЛОМ ПАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ХУДУДЛАРИДА ҚОРАМОЛ**  
**ПИРОПЛАЗМИДОЗЛАРИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИК ҲОЛАТИ**  
**ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ**  
**ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**03.00.06 - Зоология**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/V15 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samvmi.uz](http://www.samvmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Давлатов Равшан Бердиевич ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юлдашов Нурбек Эргашович ветеринария фанлари доктори Қўлдошев Отамурод Ўразович ветеринария фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси

Диссертация химояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019 V.12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «12» 12 соат «13<sup>00</sup>» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: [samvmi@edu.uz](mailto:samvmi@edu.uz))

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14279 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «27» 11 куни тарқатилди.  
(2020 йил «27» 11 даги № 06 - рақамли реестр баённомаси)



**Х.Б.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

**Ш.Х.Курбанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

**Қ.Н.Норбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларида қорамолларнинг пироплазмидозлар билан зарарланиши қорамолчилик хўжаликлари шароитида 5-8%, шундан тейлериоз 2,2%, пироплазмоз 4,7%, франсаиллэз 3,1% ни, ўлим даражаси эса 40-50% ни ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Қорамоллар орасида пироплазмидозлар кенг тарқалган бўлиб, қорамолчиликка жуда катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Бундан келадиган иқтисодий зарар, қорамолларда маҳсулдорликнинг камайиши, уларнинг мажбурий сўйилиши ёки нобуд бўлиши ва ветеринария харажатларининг ортиши ҳисобидан келиб чиқади.

Дунёнинг кўпгина минтақаларидаги ноқулай экологик омиллар чорва моллари организмнинг резистентлигига салбий таъсир этиши билан бирга пироплазмидозларни қўзғатувчи паразитларнинг ташқи муҳит шароитига мослашиши ва кенг тарқалишига имкон яратади. Қорамолларда пироплазмидоз касалликларининг эпизоотологик ҳолати ва касалликларни тарқалиш даражасини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш, замонавий даволаш ва қарши курашнинг тизимли чора-тадбирларини ҳудудларнинг экологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислохатлар натижасида чорвачилик соҳасида муайян ютуқларга жумладан, Республикамиз ҳудудига четдан кириб келиши хавфи бўлган турли хил юқумли, юқумсиз ва паразитар касалликларни даволаш ва олдини олишда ҳудудларнинг экологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда замонавий тизимли чора-тадбирларни йўлга қўйилиши натижасида қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларининг олдини олишга эришилди.

Самарқанд вилояти чорвачилик хўжаликлари ҳудудида қон паразитар касалликларни тарқатувчи яйлов каналаридан бир хўжайинли *Boophilus calcaratus*, икки хўжайинли *Hyalomma detritum* ҳамда уч хўжайинли *Hyalomma anatolicum* кенг тарқалган. Илмий адабиётлардан маълум бўлишича Самарқанд вилоятининг ҳудудларида ўтган асрнинг 80-90-йилларида ушбу касалликларнинг тарқалиши ва уларни тарқатишда иксодид каналарининг фаунаси ва аҳамияти баъзи бир тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлигига қарамадан вақт ўтиши ҳамда чорвачиликни юритишда янги тизим келиб чиққан ҳозирги кунда қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини эпизоотологик ҳолатини аниқ далиллар билан ўрганиш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уни ветеринария амалиётига жорий қилиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Шу боисдан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup> Айдиев Р.С. Пироплазмидозы крупного рогатого скота на территории Терско-Сулакской низменности и совершенствование мер борьбы. Автореф. дисс. канд. вет. наук. Махачкала. 2010. – 27 с.

стратегиясида<sup>1</sup> «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»га алоҳида урғу берилганки, бу борада қорамолларнинг протозой касалликларига қарши курашишда даволаш ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли, 2019 йил 18 мартдаги «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4243-сонли, 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4254 сонли қарорлари ва 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сонли Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу десертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида қорамолларнинг тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича кўпгина ишлар бажарилган. Бундай илмий тадқиқот ишлари чет эллик олимлар, хусусан, А.В.Богородицкий, А.А.Марков, П.А.Лаврентьев, П.Н.Ли, Р.С.Айдиев, Э.Т.Бадалов, Г.М.Бобиев, Р.Х.Нораев, Ф.И.Василеев, Т.Т.Мадияров, А.И.Драбина, А.Д.Дуйшеев, Ўзбекистонлик олимлардан И.Х.Расулов, Т.Х.Рахимов, О.Ў.Қўлдошев, И.М.Ғаниев, Н.Ж.Тўрабоев, Э.Бобоназаров ва бошқалар, сўнгги йилларда А.Ғ.Ғафуров ва унинг шогирдлари Ў.И.Расулов, С.Қ.Кўчқорова В.М.Дўскулов ва бошқалар томонидан шу йўналишда кенг қамровли ишлар олиб борилган.

Аммо, Республикамизда чорвачилик тармоқларини ривожлантиришда янги мулкчилик шакллари ташкил этилиши натижасида тейлериоз, пироплазмоз ва бабезиоз касалликларини олдини олиш ва даволаш копмлекс чора-тадбирларини маҳаллий препаратлар асосида ишлаб чиқиш ва уни ветеринария амалиётига жорий қилиш бўйича етарли илмий-тадқиқотлар ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Самарқанд ветеринария

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «“Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси“ тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон фармони.2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. 2017 йил.

медицинаси институти ва Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг ҚХА-9-016 «Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини даволаш ва олдини олиш усуллари ва омилларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш» (2015-2017 йй) ва БВ-И-ҚХ-2018-1 «Қорамолларни қон-паразитар касалликларига қарши поликарб препаратини ветеринария амалиётига жорий қилиш» (2018-2019 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида қорамолларнинг пироплазмидозларини эпизоотологиясини ўрганиш, тейлериоз, пироплазмоз, бабезиозни даволаш ва профилактика қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Самарқанд вилояти ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотологик ҳолатини, касаллик тарқатувчи каналар фаунаси, тарқалиш даражаси, касаллик қўзғатувчи паразитларнинг патогенлик хусусияти ва мавсумий динамикасини ўрганиш;

маҳаллий «Имисан» препаратининг пироплазмоз, бабезиозни даволашдаги самарадорлигини аниқлаш;

маҳаллий «Бупарвалек» препаратининг тейлериозни даволашдаги самарадорлигини аниқлаш;

қорамоллар пироплазмидозларини даволаш ва олдини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилояти чорвачилик хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги қорамоллар, касаллик тарқатувчи каналар, тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз билан касалланган қорамоллар, касаллик қўзғатувчилари, антипротозоид воситалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** касаллик чақирувчи *Theileria annulata*, *Piroplasma vigeminum*, *Babesia colchica* ҳамда кимёвий препаратлар, тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз билан касалланган ҳайвонлар қони ва қон суртмаси.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқот ишларини бажаришда эпизоотологик, клиник, патологоанотомик, микроскопик, паразитологик ва гематологик текшириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** кўйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида пироплазмидозларнинг эпизоотологик ҳолати, мавсумий динамикаси ва касаллик қўзғатувчи паразитларнинг патогенлик хусусиятлари ҳамда касаллик тарқатувчи каналарнинг фаунаси аниқланган;

тажрибаларда маҳаллий «Имисан» препаратининг пироплазмоз ва бабезиозни даволашдаги самарадорлиги тажрибаларда исботланган;

тажрибаларда маҳаллий «Бупарвалек» препаратининг тейлериозни даволашдаги самарадорлиги аниқланган ҳамда ветеринария амалиётига жорий қилинган;

қорамолларда тейлериоз, пироплазмоз ва бабезиозни профилактика қилишда «Имисан» препаратининг самарадорлиги юқори эканлиги тажрибаларда исботланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти ҳудудларида қорамолларнинг пироплазмидозларини тарқалиш даражаси, касаллик тарқатувчи иксодид каналарининг фаунаси ва тарқалиш даражаси аниқланган ва уларнинг мавсумий динамикаси ўрганилган, уларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

маҳаллий имисан препаратининг пироплазмоз ва бабезиозни даволашдаги самарадорлиги аниқланган ва уни амалиётда қўллаш учун тавсия қилинган;

маҳаллий Бупарвалек препаратининг тейлериозни даволашдаги самарадорлиги аниқланган ва уни амалиётда қўллаш учун тавсия қилинган;

маҳаллий имисан препаратининг тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларини профилактика қилиш самарадорлиги юқори эканлиги аниқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олиб борилган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларни замонавий услуб ва воситаларини қўллаган ҳолда ўтказилганлиги, эпизоотологик, клиник, морфологик, паразитологик, гематологик услуллардан фойдаланилган ҳамда бошланғич маълумотларга ишлов бериш, олинган назарий натижалар тажриба натижалари билан тўғри келиши, шунингдек, лаборатория ва дала тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларни баҳоланганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олиб борилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чорвачиликни ривожлантиришда катта иқтисодий зарар келтираётган қорамолларнинг тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларини ўзига хос хусусиятларини таҳлили, ушбу касалликларни тарқалиш тенденциясини прогнозлаштириш ҳамда уни бартараф қилишга қаратилган илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, касалликларни даволаш ва олдини олишда зарур бўлган тизимларни назарий асосларини ишлаб чиқишга хизмат қилишлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қорамоллар тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларининг ҳозирги вақтдаги ҳудудий эпизоотологик ҳолати, уларга қарши курашишнинг реал усуллари аниқланганлиги ва янги замонавий маҳаллий дори воситаларининг самарадорлиги ўрганилганлиги ҳамда уни ветеринария амалиётига жорий қилинганлиги эвазига чорвачиликда бўладиган катта иқтисодий зарарни олдини олишнинг имкони яратилади. Шу билан биргаликда илмий асосланган бундай комплекс чора-тадбирлар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамият касб этиши асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд вилояти ҳудудларида қорамол пироплазмидозларининг эпизоотологик ҳолати ва унга қарши курашнинг замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

«Қорамолларнинг қон-паразитар касалликларига қарши курашиш тўғрисида қўлланма» ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 21 июлдаги 02/23-277-сон маълумотномаси). Натижада қорамолларнинг пироплазмидозлар билан зарарланишининг олдини олиш имконияти яратилган;

«Қорамоллар қон-паразитар касалликларига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг замонавий услуб ва воситаларини қўллаш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 21 июлдаги 02/23-277-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш натижасида қорамолларнинг пироплазмидозлар билан зарарланиши 94-95 фоизга камайишига эришилган;

Самарқанд вилояти ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларини профилактика қилишда имисан препаратини ҳар 15 кунда бир марта қорамолнинг 100 кг тирик вазнига 3 мл дан тери остига қўллаш тавсия этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 21 июлдаги 02/23-277-сон маълумотномаси). Натижада қорамоллар пироплазмидоз касалликларига қарши имисан препаратини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, харажатлар қоплами 5,4 сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий мақола чоп этилган, 1 та қўлланма, 1 та йўриқнома ишлаб чиқариш амалиётига тавсия қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалиётга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот

натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилояти ҳудудларида қорамол пироплазмидозларининг эпизоотологик ҳолати ва унга қарши курашнинг замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқишга оид адабиётлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида қорамоллар тейлериоз, пироплазмоз, бабезиозларининг эпизоотологияси, йирик шохли ҳайвонларнинг пироплазмидоз касалликларини кўзгатувчи паразитларни биологиясини ўрганиш ва уларни тарқатувчи каналар турини аниқлаш, тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларининг этиопатогенези, клиник белгилари, диагностикаси, патологоанатомик ўзгаришлари, касалликни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича республикамиз ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилояти ҳудудларида қорамол пироплазмидозларининг эпизоотологик ҳолати ва унга қарши курашнинг замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқишга оид хусусий тадқиқотлар» деб номланган иккинчи бобида экспериментал шароитда тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларининг кўзгатувчилари билан юктирилган тажриба молларини клиник ва паразитологик текширишлар натижасида ва пироплазмидозлардан носоғлом бўлган Самарқанд вилоят ҳудудларида эпизоотик ҳолатни ўрганиш, касалланган ҳайвонларни клиник, паразитологик текшириш ҳамда касаллик тарқатувчи каналарни аниқлаш натижасида олинган материаллар келтирилган. Касал қорамолларнинг периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларини микроскопик текширишлар натижасида паразитлар билан зарарланиш даражаси ва паразитларнинг морфологик хусусиятлари ўрганилди. Ҳудудлардан касалликни тарқатувчи *Boophilus calcaratus*, *Hyalomma anatolicum*, *Hyalomma detritum* каналари терилди, улар пробиркаларга 2-3 тадан жойлаштирилиб, эксикатор ёки термостатда 26-27<sup>0</sup>С ҳароратда, 70-80% намликда ўстирилиб, уларнинг кўпайиш босқичлари кузатилиб борилди (генерация олинди) ва каналарнинг паразитлар билан зарарланиш даражаси ҳамда биологик хусусиятлари ўрганилди. Тажрибадаги қорамолларнинг периферик қон томиридан мунтазам равишда қон суртмалари тайёрлаш, микроскоп остида паразитлар билан зарарланиш даражаси ва препаратлар таъсирида уларда бўладиган морфологик ўзгаришлар умумий қабул қилинган текшириш усулларида олиб борилди.

Самарқанд вилоятининг турли хил географик иқлимлик ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг касаллик тарқатувчи каналар фаунаси ҳамда тарқалиш даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар Нуробод ва Каттақўрғон тумани қир адирлик, ярим чўл, тоғ этакларида жойлашган Ургут туман Эшон қишлоқ аҳолиси, суғориладиган ва яйловга эга бўлган Пайариқ, Пастдарғом, Иштихон ва Пахтачи тумани ҳудудларидаги мавжуд қорамолларда олиб борилди (1-жадвал).

Самарқанд вилоятининг Нуробод ва Каттақўрғон туманининг қир адирлик-ярим чўл ҳудудларида фақат тейлериоз тарқалганлиги, пироплазмоз ва

бабезиоз тарқалмаганлиги, Ургут, Пайариқ, Пастдарғом ва Иштихон тумани ҳудудларида тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз тарқалганлиги, Пахтачи туман ҳудудларида тейлериоз, пироплазмоз тарқалганлиги бабезиоз эса тарқалмаганлиги аниқланди.


1-жадвал

**Самарқанд вилоятининг турли географик иқлим шароитли ҳудудларида қорамоллар тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларини эпизоотик ҳолати**

Ҳудудлар	Текширилган ҳайвонлар сони	Касалликлар	Текшириш натижалари (2018 йил)	
			Ветеринария ҳисоботи бўйича касалланган қорамоллар (фоизда)	Қон суртмаларини паразитологик текшириш натижалари 50 бошда (фоиз ҳисобида)
«Нурли куёш» фермер хўжалиги	185	Тейлериоз	7,5	22,0
		Пироплазмоз	-	-
		Бабезиоз	-	-
«Эшон қишлоқ» шахсий хўжалиги	310	Тейлериоз	5,4	18,0
		Пироплазмоз	3,5	28,0
		Бабезиоз	1,0	2,0
«Илғор қишлоқ» шахсий хўжалиги	240	Тейлериоз	5,4	22,0
		Пироплазмоз	3,7	16,0
		Бабезиоз	2,9	4,0
«Беш бола» фермер хўжалиги	350	Тейлериоз	2,0	26,0
		Пироплазмоз	2,3	14,0
		Бабезиоз	0,6	-
«Зарафшон қишлоқ» шахсий хўжалиги	185	Тейлериоз	9,2	14,0
		Пироплазмоз	4,3	12,0
		Бабезиоз	2,1	8,0
«Мойбулоқ қишлоқ» шахсий хўжалиги	210	Тейлериоз	6,6	18,0
		Пироплазмоз	-	-
		Бабезиоз	-	-
«Асли баҳор қишлоқ» шахсий хўжалиги	207	Тейлериоз	10,1	28,0
		Пироплазмоз	2,9	14,0
		Бабезиоз	-	-

Текширишлар натижасида Самарқанд вилоятининг барча географик иқлимлик ҳудудларида тейлериоз билан касалланишнинг дастлабки энг юқори даражада учраши май ойида ва унинг ошиб бориши билан бир вақтда кейинги юқори даражаси июл ойида кузатилиши аниқланди. Пироплазмоз ва бабезиоз билан касалланишнинг дастлабки энг юқори даражада касалланиши апрел ва кейингиси август ойига тўғри келиши кузатилди.

Тадқиқотлар натижасида нисбатан салқин ва намлиги юқори бўлган Ургут, Пайариқ, Пастдарғом ва Иштихон тумани ҳудудларида мутаносиб равишда 25-40% гача *Boophilus calcaratus*, 54-90% гача *Hyalomma anatolicum*, Нуробод ва Каттақўрғон туман ҳудудларида 80% гача *Hyalomma anatolicum*, 20% гача *Hyalomma detritum*, Пахтачи туман ҳудудларида 5% гача *Boophilus calcaratus*, 90% гача *Hyalomma anatolicum*, 5% гача *Hyalomma detritum* тарқалганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида касаллик тарқатувчи каналарнинг тарқалиш даражаси

Шундай қилиб, нисбатан намлиги юқори бўлган Ургут, Пайариқ, Пастдарғом, Иштихон, Пахтачи тумани ҳудудларида *Boophilus calcaratus* ва *Hyalomma anatolicum* каналарини тарқалганлиги сабабли пироплазмоз, бабезиоз ҳамда тейлериозни келиб чиқиши, қир адирлик, ярим чўл ҳудудли Нуробод ва Каттақўрғон тумани ҳудудларида эса *Hyalomma anatolicum* ҳамда *Hyalomma detritum* каналари тарқалганлиги сабабли фақат тейлериоз келиб чиқиши, *Boophilus calcaratus* каналари тарқалмаганлиги сабабли пироплазмоз келиб чиқмаслиги исботланди.

Юқорида қайд этилган яйлов каналари қорамоллар танасида паразитлик қилиши билан биргаликда, сўлак безларида бўлган касаллик кўзғатувчи протозооларни қон сўриш вақтида ҳайвон организмига ўтказиши туфайли чорва молларини тейлериоз, пироплазмоз ва бабезиоз касаллиги билан зарарлантиради. Ҳайвон танасида паразитлик қилиб, қон билан тўйинган жинсий вояга етган урғочи каналар ерга тушиб, ўсиб ривожланиши учун қулай бўлган биотопларга тухум қўяди.

Самарқанд вилоят ҳудудларида *Hyalomma detritum* ва *Hyalomma anatolicum* каналари тейлериозни ва *Boophilus calcaratus* каналари пироплазмоз касаллигини тарқатишда эпизоотик ҳолатни ташкил қилиши аниқланди.

Тейлериоз ва пироплазмозни мавсумий динамикасини ўрганиш турли хил иқлим шароитлик ҳудудларда шу ҳудуд иқлим шароитига мос профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни ветеринария амалиётига жорий қилишга қаратилган тажрибалар тоғ-тоғолди, суғориладиган ва қир адирлик, ярим чўл ҳудудларида олиб борилди.

Кузатувдаги қорамолларнинг умумий аҳволи, каналар билан зарарланиш даражаси назорат қилинди ва клиник ва паразитологик текширувлар олиб борилди. Клиник текширувларда қорамолнинг тана ҳарорати, умумий аҳволи, шиллик пардаларининг ва ташқи лимфатик тугунларининг ҳолати аниқланди ҳамда гемоглобинурия ҳолати бор йўқлиги кузатиб борилди. Паразитологик текширувларда периферик қон томирларидан олинган қондан тайёрланган қон суртмаларидаги тейлериалар ёки пироплазмалар таҳлил қилинди.

Самарқанд вилоятининг турли географик иқлимли шароитли ҳудудларидан ажратилган *Th.annulata* штамmlарининг патогенлик хусусиятини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларида олиб борилди. 1-гуруҳдаги қорамолларни Пахтачи, 2-гуруҳ қорамолларини Нуробод, 3-гуруҳ қорамолларини Иштихон туман ҳудудларидан ажратилган *Th.annulata* штамми билан қорамолнинг териси остига 10 мл дан юбориб юқтирилди (2-жадвал).

Касаллик кўзғатувчилари юқтирилган қорамолларда ҳар куни клиник ва паразитологик текширишлар олиб борилди. Олиб борилган клиник ва паразитологик текширишлар натижасида барча туман ҳудудларидан ажратилган штамmlар билан юқтирилган тажриба молларида юқтиришдан кейин 17-18-кунлари тейлериозни клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда паразитар реакцияни намоён бўлиши билан биргаликда кейинги кунлари касалликни оғир даражада кечиши кузатилди.

Қорамолларда ўтказилган клиник ва паразитологик текширишлар натижасида барча туман ҳудудларидан ажратилган штамmlар билан юқтирилган ҳар уччала гуруҳдаги ҳайвонлар ҳам юқтиришдан кейин 18-19 кунлари тейлериозни клиник белгилар ва қон суртмаларда паразитар реакцияни намоён қилиб касалланди.

Самарқанд вилоятининг турли хил географик ҳудудлардан ажратилган тейлериоз штамmlарининг вирулентлик хусусияти бир хил бўлиши аниқланди.

Самарқанд вилоятининг турли географик ҳудудларидан ажратилган  
*Th.annulata* штампларининг патогенлик хусусиятини ўрганиш натижалари


Гуруҳ	Бош сони	Штамм манбаи	Юқтириш усули	Юқтиришдан кейин					
				17-куни		18-куни		19-куни	
				T <sup>0</sup> C	п/р.%	T <sup>0</sup> C	п/р.%	T <sup>0</sup> C	п/р.%
1	3	Пахтачи тумани	<i>Th.annulata</i> штамми билан тери остига 10 мл дан	40,3	3	40,6	5	41,4	8
2	3	Нуробод тумани	<i>Th.annulata</i> штамми билан тери остига 10 мл дан	40,4	3	40,8	5	41,4	7
3	3	Иштихон тумани	<i>Th.annulata</i> штамми билан тери остига 10 мл дан	40,3	2	40,8	5	41,6	6

*Изоҳ:* п/р – паразитар реакция

Касаллик кўзгатувчилари юқтирилган қорамолларнинг гематологик кўрсаткичларидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида қон намуналаридаги эритроцит ва лейкоцитлар сони ҳамда гемоглобин миқдори таҳлил қилинди (2-расм).

Касаллик кўзгатувчилари юқтирилгунгача қон таркибидаги эритроцитлар сони Пахтачи тумани хўжаликлари буйича ўртача  $6,40 \pm 1,0$  млн/мкл, Нуробод тумани хўжаликлари буйича ўртача  $6,20 \pm 0,8$  млн/мкл, Иштихон тумани буйича ўртача  $6,40 \pm 0,6$  млн/мкл, лейкоцитлар сони шунга мос равишда  $8,2 \pm 2,4$  минг/мкл,  $8,4 \pm 2,6$  минг/мкл,  $8,0 \pm 2,0$  минг/мкл ва гемоглобин миқдори ўртача  $114 \pm 0,8$  г/л,  $120 \pm 0,6$  г/л ва  $116 \pm 0,6$  г/л ни ташкил этди.

Тажрибадаги қорамолларга касаллик кўзгатувчи штамми юқтирилгандан сўнг 19-куни эритроцитлар сони ўртача (Пахтачи тумани хўжаликлари)  $5,20 \pm 1,2$  млн/мкл, лейкоцитлар сони ўртача  $6,0 \pm 2,0$  млн/мкл, гемоглобин миқдори ўртача 8,0 г/л га камайганлиги кузатилди, Нуробод тумани хўжаликлари буйича ўртача эритроцитлар сони 0,8 млн/мкл га, лейкоцитлар эса 2,6 минг/мкл га, Иштихон тумани буйича эритроцитлар сони ўртача  $6,40 \pm 1,6$  млн/мкл га, гемоглобин миқдори ўртача  $105 \pm 0,8$  г/л гача камайиши характерли бўлди. Касалликни юқтиришнинг 22-куни қон текширилганда эритроцитлар ва лейкоцитлар сони ҳамда гемоглобин миқдори 19-кунга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги аниқланди.



2-расм. Касаллик қўзғатувчилари юқтирилган қорамолларнинг гематологик кўрсаткичлари

Диссертациянинг «Самарқанд вилояти ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларини даволаш ва олдини олиш тажрибалари» деб номланган учинчи бобида пироплазмидозларни даволаш ва олдини олишда маҳаллий бупарволек, имисан ва поликарб препаратларнинг самарадорлиги ўрганиш натижалари баён этилди.

Қорамоллар пироплазмидозларини даволашда “Имисан” дори воситасининг самарадорлиги, дорининг оптимал дозаларини ҳайвон организмига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар бирида 3 бошдан қорамоллар бўлган 3 та гуруҳда ўтказилди (3-жадвал). Ҳар уччала гуруҳдаги қорамолларга ҳам пироплазмоз билан касалланган қорамолдан олинган қон билан териси остига 10 мл дан юбориб касаллик қўзғатувчиси юқтирилди.

Касаллик қўзғатувчиси юқтирилган қорамолларда ҳар куни клиник ва паразитологик текширишлар олиб борилди. Олиб борилган текширувлар натижасида касаллик қўзғатувчиси юқтирилгандан кейин саккизинчи ва тўққизинчи кунлари пироплазмознинг клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда эритроцитларнинг 3-4% гача пироплазмалар билан зарарланганлиги аниқланди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги қорамолларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0 мл дан, 2-гуруҳ қорамолларига 2,5 мл ва 3-гуруҳ қорамолларига 3,0 мл дан “Имисан” препарати тери остига юбориб даволанди.

Тажрибадаги қорамолларнинг 100 кг тана вазни ҳисобига 3,0 мл дан Имисан препарати қўлланилган 1-гурух қорамолларида даволашдан кейин 2-куни тана ҳароратининг ўртача 39,3<sup>0</sup>С гача пасайганлиги ва паразитар реакциясининг 1% гача камайганлиги кузатилди, 2-ва 3-тажриба гуруҳидаги қорамолларнинг умумий ҳолати ва иштаҳаси яхшиланди, паразитар реакция кузатилмади.

Шундай қилиб, пироплазмоз билан касалланган қорамолларни даволашда ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0 мл дан имисан препаратини қўллашнинг самараси пастлиги ва 2,5-3 мл дан қўлланилганда эса самарадорлиги яхши бўлиши аниқланди. Имисан билан даволанган қорамол организмини касаллик кўзғатувчи *Piroplasma bigeminum* дан стерилизация қилиш хусусиятини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан иборат бўлган қорамоллардан 3 та гуруҳ тузилиб олиб борилди.

Ўтказилган клиник ва паразитологик текширувлар натижасида имисан препарати билан 2,0 ва 2,5 мл миқдорида даволанган қорамоллардан олинган қон билан юктирилган 1-ва 2-гурух ҳайвонларида юктиришдан кейин 10-11 кунлари пироплазмознинг клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда паразитар реакция намоён бўлганлиги аниқланди. Бундай ҳолат 3- тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда намоён бўлмади.

3-жадвал

### Қорамоллар пироплазмозини даволашда имисан препаратининг самарадорлиги

Гуруҳ	Бош сони	Даволаш дозаси	Даволашнинг биринчи куни		Даволашнинг иккинчи куни	
			Тана ҳарорати, °С	Паразитар реакция, %	Тана ҳарорати, °С	Паразитар реакция, %
1	3	100 кг/2,0мл	40,3-40,4	3	40,3	1
2	3	100 кг/2,5мл	40,6-40,7	4	39,8	-
3	3	100 кг/3,0мл	40,5-40,6	3	39,3	-

Тажрибалар натижасида пироплазмозни даволашда 2-2,5 мл дан қўлланилган имисан препарати касал бўлиб ўтган организмни пироплазмалардан стерилизация қилишдаги хусусияти йўқлиги ва шу билан бир вақтда препарат 3,0 мл дан қўлланилганда организмни пироплазмалардан стерилизация қилиши аниқланди. Бундай хусусият хўжаликни пироплазмоздан соғломлаштиришда муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бабезиозни даволашда имисаннинг самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларда олиб борилди. Тажрибадаги қорамоллар бабезиоз билан касалланган қорамолдан олинган қон билан териси остига 10 мл дан юбориб юктирилди. Олиб борилган клиник ва

паразитологик текширувлар натижасида кўзгатувчини юктиришдан кейин 11-12 кунлари тажрибадаги қорамолларда бабезиознинг клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда эритроцитлар 0,3-0,5 фоизгача бабезиялар билан зарарланганлиги аниқланди. Шундан кейин тажрибадаги 1-гурух қорамолларининг ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0 млдан, 2-гурух ҳайвонларига 2,5 мл дан ва 3-гурухдаги қорамолларга териси остига 3 мл дан имисан препарати юборилиб даволанди.

Бабезиозни даволашда тажрибадаги қорамолларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0-2,5 мл дан қўлланилган имисан препаратининг самараси паст бўлганлиги ва препарат 3,0 мл дан қўлланилганда имисаннинг самарадорлиги юқори даражада бўлиши аниқланди.

Бабезиоз кўзгатувчисидан организмни стерилизация қилишда имисан препаратининг хусусиятини аниқлаш бўйича тажрибалар пироплазмозда ўрганилган тажрибаларга нисбатан ўхшаш тартибда олиб борилди.

Тажрибалар натижасида касал бўлиб ўтган организмни *Babesia colchica* дан стерилизациялашда қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 2-2,5 мл дан қўлланилган имисаннинг самараси йўқлиги, аммо 3,0 мл дан қўлланилганда қорамол организмни *Babesia colchica* дан стерилизация қилиш хусусияти мавжудлиги аниқланди.

Тажрибалар натижасида бабезиозни даволашда 2-2,5 мл дан қўлланилган имисан препарати касал бўлиб ўтган организмни бабезиялардан стерилизация қилиш хусусияти пастлиги ва шу билан бир вақтда 3,0 мл дан қўлланилган имисан препарати организмни бабезиялардан стерилизация қилиши аниқланди. Препаратнинг бундай хусусияти хўжаликни бабезиоз касаллигидан соғломлаштиришда муҳимдир.

Тажриба натижаларига кўра 2,0 ва 2,5 мл миқдорида имисан юбориб даволанган қорамоллардан олинган қон билан юктирилган 1-ва 2-гурух қорамолларида юктиришдан кейин 11-13 кунлари бабезиозни клиник белгилари ва қон суртмаларда паразитар реакция намоён бўлганлиги аниқланди. Бундай ҳолат 3-тажриба гуруҳидаги қорамолларда қайд этилмади.

Ўтказилган клиник ва паразитологик текширишлар натижасида имисан препаратини 2-2,5 мл дан қўлланилган касал бўлиб ўтган қорамол организмни касаллик кўзгатувчи бабезиялардан стерилизация қилиш хусусияти йўқлиги ва 3,0 мл дан қўлланилган имисан организмни бабезиялардан стерилизация қилиши аниқланди.

Қорамолларнинг пироплазмоз касаллигини даволашда ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0 мл дан имисан препарати қўлланилганда самараси пастлиги ва 3 мл дан қўлланилганда самараси юқори даражада бўлиши ҳамда организмни *Piroplasma bigeminum* дан стерилизация қилиши аниқланди. Бабезиозни даволашда ҳайвоннинг 100 кг тирик вазнига 2 мл гача қўлланилган имисан препаратининг самараси пастлиги ва 3 мл миқдорида қўлланилганда самараси юқори даражада бўлиши ҳамда *Babesia colchica* дан стерилизация қилиши аниқланди.

Тейлериозни (*Theileria annulata*) даволашда имисан препаратининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларида олиб борилди. Тажрибадаги қорамоллар тейлериоз билан касалланган қорамолдан олинган қон билан тери остига 10 мл дан юбориб қўзғатувчи юқтирилди.

Клиник ва паразитологик текширувлар натижасида юқтиришдан кейин 18-19-кунлари тажриба қорамолларида тейлериозни клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда эритроцитларни 5-6% фоизгача тейлериялар билан зарарланганлиги кузатилди. Шундан кейин 1-гуруҳ ҳайвонларининг ҳар 100 кг тирик вазни 2,0 мл дан, 2-гуруҳ қорамолларини 2,5 мл дан, 3-гуруҳ қорамолларини 3,0 мл дан териси остига имисан препарати юборилиб даволанди.

Тейлериоз касаллигини даволашда қорамолларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига имисан препаратидан 2,0 ва 2,5 мл дан қўлланилганда самараси пастлиги ҳамда 3,0 мл дан қўлланилган имисаннинг самарадорлиги яхши бўлиши аниқланди.

Республикамизда ишлаб чиқарилган поликарб-Уз препаратининг тейлериоз, пироплазмоз ва бабезиозни даволаш ва олдини олиш самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳга 6 бошдан танлаб олинган 3 гуруҳ қорамолларда олиб борилди. Тажрибадаги ҳайвонлар клиник ва паразитологик кўриқдан ўтказилгач уларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 мл дан поликарб-Уз препарати тери остига юборилди. Шундан сўнг 15 кун ўтгач тажрибадаги қорамолларнинг 1-гуруҳига пироплазмоз, 2-гуруҳига бабезиоз ва 3-гуруҳига тейлериоз қўзғатувчиси юқтирилди.

Тажрибадаги қорамолларни 21 кун давомида кузатиш натижасида 1-2-гуруҳ ҳайвонларида мутаносиб равишда пироплазмоз, бабезиоз, касалликларининг клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларда паразитар реакция намоён бўлмади, 3- гуруҳда тейлериознинг клиникаси ва паразитар реакция намоён бўлди.

Тажрибадаги пироплазмоз ва бабезиоз қўзғатувчилари юқтирилган ҳайвонларда ҳеч қандай патологик ўзгаришлар ва шу касалликларга касалликга хос белгилар кузатилмади, паразитар реакция намоён бўлмади.

Пироплазмоз, бабезиоз касалликларини даволаш ва олдини олишда 100 кг тирик вазнига 5 мл дан 15 кунгача бўлган муддатда қўлланилган Поликарб-Уз препаратининг самарадорлиги яхши аммо ва тейлериозни даволашда самарадорлиги паст бўлиши аниқланди.

Қорамоллар тейлериозини даволашда Бупарвалек препаратининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар экспериментал шароитда 3 гуруҳ қорамолларда олиб борилди. Тажрибадаги қорамолларнинг териси остига 10 мл дан тейлериоз билан касалланган қорамолдан олинган қон юбориб қўзғатувчи юқтирилди.

Клиник ва паразитологик текширишлар натижасида юқтиришдан кейин 11-12-кунлари тажриба ҳайвонларида тейлериоз касаллигини клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган қондан тайёрланган суртмаларда

эритроцитларнинг 0,3-0,5 фоизгача тейлериялар билан зарарланганлиги кузатилди. Шундан кейин 1-гурух қорамолларининг ҳар 100 кг тирик вазнига 4,0 мл дан, 2-гурухга 4,5 мл ва 3-гурух қорамолларига 5 мл дан Бупарвалек препарати тери остига юборилиб даволанди.

Тажриба натижаларига кўра тажрибадаги 1-гурух ҳайвонларининг умумий ҳолсизланиш, тана ҳарорати 40,7-41,4<sup>0</sup>С ва паразитар реакцияси 0,3% бўлган. Бупарвалек препарати билан даволашдан кейин 2-куни қорамолнинг тана ҳарорати +40,5 градусгача пасайган, умумий аҳволи қисман яхшиланган ва паразитар реакцияси 0,2% гача пасайганлиги кузатилди. 2-3-гурухларда даволашдан кейин 2-куни қорамолларнинг тана ҳарорати меъёрлар даражасигача пасайиши аниқланиб, умумий аҳволи яхшиланди ва паразитар реакция кузатилмади.

Тейлериоз касаллигини қўзғатувчиси *Theileria annulata* дан ҳайвон организмини стерилизация қилишда бупарвалек препаратининг хусусиятини аниқлаш бўйича тажрибалар тажриба гуруҳидаги қорамолларни бир ойдан кейин тейлериоз билан касалланган ҳайвондан олинган қон билан тери остига 10 мл дан юбориб юқтириш йўли билан олиб борилди.

Қўзғатувчи юқтирилган қорамолларда клиник ва паразитологик текширишлар олиб борилди. Олиб борилган клиник ва паразитологик текширишлар натижасида юқтиришдан кейин 1-2-гурух қорамолларида юқтирилгандан кейин 12-13 кунлари тейлериознинг клиник белгилари ва қонда паразитар реакция намоён бўлмади. 3-гурух ҳайвонларида тейлериоз касаллигининг клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида паразитар реакция намоён бўлди.

Шундай қилиб, олиб борилган тажрибалар натижасида тейлериозни даволашда 2-3 мл дан қўлланилган Бупарвалек препаратининг касалликдан соғайган ҳайвон организмини тейлериялардан стерилизация қилиш хусусияти йўқлиги ва препарат 5,0 мл дан қўлланилганда организмни тейлериялардан стерилизация қилиши аниқланди. Бупарвалек препаратининг стерилловчи таъсир кўрсаткичи хўжаликни тейлериоздан соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд қилинди.

Қорамолларнинг тейлериоз касаллигини даволашда ҳайвоннинг ҳар 100 кг тирик вазнига 4 мл гача қўлланилган Бупарвалек препаратининг самараси нисбатан пастлиги, 5 мл миқдоридан қўлланилганда даволовчи самараси юқори даражада бўлиши ва касалланган ҳайвон организмини стерилизация қилиши аниқланди.

Тейлериозни *Nyalomma* авлодига мансуб икки хўжайинли *detritum* ва уч хўжайинли *anatolicum* деб номланувчи яйлов каналари тарқатади. Улар ҳайвонларнинг қонини сўриш билан бир вақтда ўз сўлак безларидаги касаллик қўзғатувчи паразитларни ҳайвон танасига юборади. Касалликнинг биринчи белгиси қорамолни кана чаққанидан 17-21 кун ўтгач курак олди, сон ва елин усти лимфа тугунлари катталашади ва тана ҳарорати +40,6-40,8<sup>0</sup> С гача кўтарилади.

Пироплазмоз ва бабезиоз касалликларини эса *Boophilus* авлодига мансуб бир хўжайинли *calcaratus* номли яйлов каналари таркатади. Улар асосан ҳайдалмайдиган намгарчилик яйловларда, тўқайзорларда, дарё ёқаларида кўпроқ учрайди. Пироплазмоз ёки бабезиоз билан касалланган ҳайвонларда тана ҳароратининг  $+40,6-41,6^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши, иштаҳанинг йўқолиши, қовоқларнинг шишиши, кўздан ёш оқиши, кўз ва бошқа шиллик пардаларининг сарғайиб кетиши кузатилди.

Тейлериозни даволашда 1-3 кунлари қорамолнинг ҳар 1 кг тирик вазни ҳисобига эрталаб 5 мг/кг миқдорида Бупарвалек (унинг 4 % ли сувдаги эритмасидан қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 5,0 мл дан) тери остига ва 5-6 кун давомида кечки пайт қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига қўллаш тавсия этилади. Пироплазмозни даволашнинг 1-2 кунлари эрталаб 2 мг/кг миқдорида имисан 3-4 кун давомида кунига 1 мартадан қорамолнинг 100 кг тирик вазни ҳисобига қўллаш тавсия қилинади.

Пироплазмозни профилактика қилишда имисан препаратини ветеринария амалиётига жорий қилиш бўйича тажрибалар Ургут, Пастдарғом ва Иштихон туманларига қарашли шахсий хўжаликлардаги қорамолларда ўтказилди.

Тажрибадаги ҳайвонларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига мавсум давомида ҳар 15 кунда бир мартадан 3 мл дан имисан препарати, назоратдаги қорамолларга эса 5 мг/кг дан поликарб-Уз препарати тери остига қўлланилди. Пироплазмознинг клиник белгилари намоён бўлган қорамолларда клиник ва паразитологик текширувлар олиб борилди.

Пироплазмидозларни профилактика усулларини амалиётга жорий қилиш натижасида 2017 йилда имисан препарати қўлланилган тажриба гуруҳидаги “Эшон қишлоқ” аҳолисининг 45 бош қорамолларидан 3 боши (1,5%), “Утарчи” қишлоқ аҳолисининг 30 бош қорамолларидан 3 боши (1,0%), “Зарафшон” қишлоқ аҳолисининг 24 бош қорамолларидан 3 боши (0,8%), 2018 йилда эса хўжаликларга мос равишда 24 бош қорамолдан 3 бош (0,8%), 14 бош қорамолдан 2 бош (0,7%) ва 52 бош қорамолдан 4 бош (1,3%) қорамол пироплазмознинг клиник белгиларини ва периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида паразитар реакция намоён қилиб касалланган бўлса, 3 мг/кг миқдорида поликарб-Уз қўлланилган назорат гуруҳларидаги қорамолларда бу кўрсаткичлар 7% ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, пироплазмоздан носоғлом хўжаликларда пироплазмозни профилактика қилиш мақсадида ёз мавсуми ёки касаллик тарқатувчи *V. calcaratus* каналарининг фаол ҳаёти даврида ҳар 15 кунда қорамолларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига имисан препаратини 3 мл дан қўлланилганда самарадорлиги ўртача 98-99% ни, шунга нисбатан 5 мг/кг миқдорида ҳар 15 кунда поликарб-Уз қўлланилган назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 91-93% ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Қорамоллар пироплазмидозларидан носоғлом бўлган бир неча ҳудудларда имисан препаратини носоғлом хўжаликларда қўллаш натижасида пироплазмидозларни минимал даражага камайтиришга ва ундан келаётган иқтисодий зарарни бартараф қилишга эришилгани охириги йилларда

протозоология фанида юксак ютуқлар бўлганидан далолат беради.

Пироплазмидоз касалликларидан профилактика қилишда имисан препаратини қўллаш билан бир вақтда дастлаб молхоналарда каналарга қарши курашиш ишлари олиб борилиши лозимлиги, чорвачилик фермалари ва яйловлардаги кераксиз нарсалар ҳамда ёввойи ўсимликларни йўқотиш, кам фойдаланиладиган ерларни ҳайдаш ва агромаданият тадбирларини амалга ошириш каналарнинг қисман камайишига олиб келишини таъминлади, бу эса қўлланилган маҳаллий препаратнинг яна ҳам самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Самарқанд вилоятининг қуруқ ва ярим-чўл иқлимли Нуробод туман ҳудудларида паразитологик текширишлар натижасида ўртача 22% гача қорамоллар тейлериоз билан касалланиши, пироплазмоз ва бабезиоз эса кузатилмаганлиги билан характерланди.

2. Зарафшон дарёси ёқасида жойлашган намлиги нисбатан юқори ва салқин бўлган Ургут тумани ҳудудларида қорамолларни паразитологик текширишлар натижасида ўртача 18% гача тейлериоз, 28% гача пироплазмоз ва 2% гача бабезиоз билан касалланиши аниқланди.

3. Қорадарё ирмоқларидан суғориладиган Пайариқ туман ҳудудларидаги қорамолларни паразитологик текширишлар натижасида 22% гача тейлериоз, 16% гача пироплазмоз ва 4% гача бабезиоз билан касалланиши аниқланди.

4. Пастдарғом туманининг суғориладиган ҳудудларидаги қорамолларни паразитологик текширишлар натижасида 26% тейлериоз, 14% пироплазмоз билан касалланиши аниқланди ва бабезиоз кузатилмади.

5. Иштихон тумани яйлов ҳудудларида паразитологик текширишлар натижасида 1% тейлериоз, 12% пироплазмоз ва 8% гача бабезиоз билан касалланиши аниқланди.

6. Каттақўрғон туманининг қир-адирли ва ярим чўл ҳудудларида паразитологик текширишлар натижасида 18% гача қорамоллар тейлериоз билан касалланиш аниқланган ва бабезиоз билан касалланиш кузатилмаган.

7. Пахтачи туман ҳудудларида қорамолларнинг 28% гача тейлериоз ва 14% гача пироплазмоз билан касалланиши аниқланди ва бабезиоз кузатилмади.

8. Нуробод ва Каттақўрғон туманларининг қир адирли ва ярим чўл ҳудудларида *Hyalomma anatolicum* ҳамда *Hyalomma detritum* каналари, Ургут, Пайариқ, Пастдарғом ва Иштихон тумани ҳудудларида *Boophilus calcaratus* ва *Hyalomma anatolicum* каналарини тарқалганлиги аниқланди.

9. Самарқанд вилоятининг турли географик иқлим ҳудудларида қорамолларнинг тейлериоз билан касалланиши энг юқори даражада май ва июл ойларида, пироплазмоз ва бабезиоз билан касалланиш эса апрел ва август ойларига тўғри келиши кузатилди.

10. Пироплазмоз билан касал бўлиб ўтган ҳайвон организмни касаллик қўзғатувчи *Piroplasma bigeminum* ва бабезиоз билан касал бўлиб ўтган қорамол организмни касаллик қўзғатувчи *Babesia colchica* дан стерилизация қилишда

мутаносиб равишда 3 мл дан қўлланилган имисан препарати қорамол организмни касаллик кўзгатувчи паразитлардан стерилизация қилиши аниқланди. Бундай ҳолат носоғлом хўжаликларни пироплазмоз ва бабезиоздан соғломлаштирилишига олиб келиши исботланди.

11. Қорамоллар пироплазмидозларида имисан препаратини 3 мл/100 кг дан қўлланилганда самарадорлиги ўртача 98-99% ни, поликарб-Уз препаратини 5 мг/кг миқдорида ҳар 15 кунда бир марта қўлланилганда самарадорлик 91-93% ни, ушбу препаратларнинг амалиётга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги ветеринария тадбирлари учун сарфланган 1 сўм харажат ҳисобига иқтисодий самара 5,4 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**ИСЛАМОВ ГУЛОМ ПАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**ЭПИЗООТОЛОГИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ ПИРОПЛАЗМИДОЗА  
ЖИВОТНЫХ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ И  
РАЗРАБОТКА СОВРЕМЕННЫХ МЕРОПРИЯТИЙ ПО БОРЬБЕ С НИМ**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

**Самарканд -2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3 PhD/V15

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу [www.samvmi.uz](http://www.samvmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet.uz» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Давлатов Равшан Бердиевич  
доктор ветеринарных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Юлдашов Нурбек Эргашович  
доктор ветеринарных наук  
Кулдошев Отамурод Уразович  
кандидат ветеринарных наук

**Ведущая организация:** Государственный комитет Ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «12» 12 2020 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86; e-mail: [www.samvmi.uz](http://www.samvmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14279). Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86.

Автореферат диссертации разослан «27» 11 2020 г.  
(протокол рассылки № 06 от «27» 11 2020 г.)



**Х.Б.Юнусов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени, д.биол.н.,  
профессор

**Ш.Х.Курбанов**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёной степени, к.вет.н.,  
доцент

**К.Н.Норбоев**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёной  
степени, д.вет.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (автореферат диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня в большинстве стран мира заболеваемость пироплазмидозом крупного рогатого скота в животноводческих хозяйствах составляет 5-8%, в том числе тейлериозом – 2,2%, пироплазмозом – 4,7%, франсаиллезом – 3,1%, а смертность от него - 40-50%<sup>1</sup>. Пироплазмидоз, широко распространившийся среди крупного рогатого скота, причиняет огромный экономический ущерб из-за снижения продуктивности крупного рогатого скота, его принудительного убоя или уничтожения, а также увеличения затрат на ветеринарные услуги.

Неблагоприятные факторы окружающей среды во многих регионах мира отрицательно влияют на резистентность организма домашнего скота, позволяя паразитам, вызывающим пироплазмидоз, адаптироваться к внешней среде и широко распространяться. Определение эпизоотологического статуса и распространенности пироплазмидоза крупного рогатого скота, ранняя диагностика, современное лечение и систематические меры по борьбе с ним с учетом экологической ситуации в регионе являются одними из актуальных задач сегодняшнего дня.

В результате масштабных реформ, проведенных в стране за последние годы, были достигнуты определенные успехи в животноводстве, в том числе по профилактике различных инфекционных и паразитарных заболеваний и введению системных мер по борьбе с ними.

